Ушбу сонда:
2 «Ишонч» бонг уради — КУТУБХОНАМИ Ё МУЗХОНА?
3–7 ДИЛДАН ТЎКИЛГАН САТРЛАР
8 МЕҲРУ ОҚИБАТ БОР БЎЛСИН!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 декабр, сешанба № 181-182 (1013-1014)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI АСРГА 5 КУН ҚОЛДИ

Умр йўли оёқ изи эмас.
Уни на қор, на чанг боса олади.
У — қора чизиқдай, ё нурдай муқаддас
Бўлиб эл кўнглида мангу қолади.

Асқад МУХТОР.

Янги мингйиллик олдидаги ўйлар

ЮКСАК ПАРВОЗЛАРГА ҚОДИР ЮРТ

Кўнгил сезиб турибди, янги асрда Ўзбекистон зафар пиллапоялари дан дадил бориб, ҳайратомуз муваффақиятларга эришади. Бу шунчаки тахмин ёхуд орзугина эмас. «Осиё йўлбарслари» таърифида ўзига хос мавқе топган Малайзия, Сингапур, Жанубий Корея каби давлатларнинг бундан 15-20 йиллар мукаддам кандай бўлганликларини кўз ўнгимизга келтирайлик-а.

Ўрта Осиёда ҳам шундай «йўлбарс» вояга етмоқда, у — Ўзбекистондир! Бу ғарб тадқиқотчиларининг XXI асрга билдирган башоратларидан бир кўчирма, холос. «Ўтиш даври» деб аталмиш қисқа вақт ичида ўзлигини намоён этолган юрт шубҳасиз юксак парвозларга қодир. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфасининг тубдан ўзгариб бораётганлиги, осмонўпар бинолару ойнадек текис йўллар, замонавий гузарлару маданий-маиший хизмат шоҳобчалари... Кўриб дил яйрайди беихтиёр. Велосипед ҳам йиғилмаган ўлкада бугун қўшалоқ автомобил заводи! Тан олайлик - ниҳояланаётган асримизнинг сўнгги ўн йиллигини кутиб олаётган кезларимиз ҳам булар ушалмас орзулар эди.

Ҳа, биз чиндан-да бахтлимиз. Отабоболаримизга насиб этмаган бахт қуши бизнинг бошимизга қўнди. Бизнинг бахтимиз яна шундаки, Яратган эгам суйган бандаларига қиладиган мағфиратини биздан аямади — эрк туғини баланд кўтаришга қодир буюк инсонни бизга Йўлбошчи этди. Бизнинг энг катта бойлигимиз — халқимиз, деб турган Юртбоши яна қаерда бор?

Бир неча ўн йил қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаганман. Эндиликда касаба уюшмаларида фаолият кўрсатмоқдаман. Одамларнинг кайфияти, менга кундек аён. Кекса-ю ёшнинг кўли дуода. Бозор иқтисодига ўтиш тамойилларининг ўзагида ижтимоий ҳимоя турганлиги учун ҳам келажакка ишонч кучли, эртанги кундан хавотир йўқ.

Ўзимиздан қиёс, ижтимоий ҳимоялашнинг энг асосий йўналишларидан бири — иш ҳақларини ўз вақтида берилишини таъминлашга бошқа жойларда бўлгани сингари Бекобод туманида ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада сусткашликка йўл қўяётган, лоқайдлик қилаётган ташкилот ва хўжаликларга ҳар томонлама таъсир ўтказилмоқда.

Лекин буни ҳаёт дейдилар. Беш қўл баробар эмас. Шу боис кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга аниқ мақсадли ёрдам уюштирилаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Анкета-сўровлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда бундай оилалар хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар ва бақувват фермер хўжаликларига бириктириб қўйилган. Йил давомида салкам 6 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилганлиги натижаси ўлароқ муҳтож оилалар сони мутаносиб тарзда озаймоқда. Буни ҳам аслида фаровонлик томон ташланган хайрли қадам, деб баҳолаш мумкин.

Сир эмаски, энг муҳим ижтимоий ҳимоя, бу янги иш ўринлари яратишдир. Бир неча мисол келтирай, хулосани ўзингиз чиқаринг. «Бинокор-20» ва «Зафар» масъулияти чекланган жамиятлари ва «Лочин» кичик корхонасида 200 дан зиёд иш ўринлари яратилди. 15 га яқин деҳқон, 12 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Шу билан бирга мунтазам равишда ўтказилаётган «Меҳнат бозори» ўз натижасини бераётир.

Яна бир масала, ходимнинг қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилиши хусусида. Шундай ноҳақликка учраганлар томонидан туман касаба уюшмаларига тушган аризаларнинг деярли тўқсон фоизи ижобий ҳал қилинди.

Соат миллари бизни тобора янги мингйилликка яқинлаштирмоқда. Ҳаяжонли, айни вақтда орзиқиб кутилган аср бизни қандай кутиб олади, энг муҳими, биз ўзимиз, янги синовларга ҳозирмизми?

Не саодатки, биз янги асрга ишонч билан кириб бормоқдамиз. Зеро, парвозимиз ҳам шунга яраша бўлишига шубҳа йўқ. Фақат бир тилагимиз бор: юртимиз осмони мусаффо бўлсин, қалбимизга ғубор кўнмасин.

Мўминжон СУЛТОНҚУЛОВ,
Бекобод тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ОНЛАР

Мамлакатимизда ҳар йили янги йил арафасида арча байрами ўтказиш, эҳтиёжманд, серфарзанд оилалар, «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчиларига Президент совғаларини улашиш яхши анъана бўлиб қолган. Бу йилги байрам шодиёналари ҳар йилгидан ҳам қизиқарлироқ ўтади. Жойларда ташкил этиладиган «Президент арчаси» тенграгида юртимиз келажаги бўлган болаларнинг шодон куй ва қўшиқлари янграйди.

Шу йилнинг 29 декабр куни Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида ўтказиладиган тантаналар ўз моҳиятига кўра, саховат, меҳр-мурувват, оқибат ифодаси бўлади. Байрамга пойтахтимиздаги барча «Меҳрибонлик уйлари», мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари таклиф этилади. «Келажакка саёҳат» тадбирида «Томоша» болалар фольклор театр-студияси, эстрада ва цирк санъати юлдузлари қатнашади. Томошада болалар йигирма биринчи асрга саёҳат қилиш билан бирга турли эртак қаҳрамонлари билан ҳам учрашади.

«Президент арчаси» томошалари юртимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтади.

(ЎзА).

Ҳали бунақаси бўлмаган эди. Шу куни Зангиота тумани маданият ва маърифат маркази раиси Солихўжа Норхўжаев Янги йил арафасида саховатга бел боғлади. Олийҳиммат тадбиркорлар бошини бир жойга жамлаб кўпчиликнинг дуосига мушарраф бўлди. Туманда яшаб турган жами 120 дан зиёд кўзи ожиз, кам таъминланган, шунингдек, кекса онахону отахонларга байрам туҳфалари топширилди.

Суратда: «Ўрта» маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси Жамила Арслонова ва Зангиота туман маданият ва маърифат маркази раиси Солихўжа Норхўжаев Жамол ота Жалиловлар хонадонида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИАНТИ

Андижон Давлат тиллар педагогика институтининг роман-герман филологияси факультети талабаси Умиджон Эгамбердиев яқинда Президент стипендиантлари қаторидан жой олди.

— Умиджон мазкур номга жуда муносиб йигит, — дейди институт ректори, профессор М.Умархўжаев, — фанларни аъло даражада ўзлаштиради. Ҳозирдан илмий иш билан шуғулланяпти, институт «Камолот» жамоатчилик Маркази раисининг ўринбосари, касаба уюшма ташкилоти фаоли сифатида талабалар ўртасида турли-туман тадбирларни ўтказади, Немис тилини мустақил равишда ўрганяпти, яхшигина шеърлар ва кичик драматик асарлар ёзади. Унинг истиқлолга бағишланган «Мангу даъват» асари «Ниҳол-2000» республика талабалар театрлари фестивалида совринли ўринни олди. Бош ролни қойилмақом қилиб муаллифнинг ўзи ижро этди.

Хуллас ёш авлод қандай бўлиши кераклигига уни намуна қилиб кўрсатса арзийди.

М.АБДУКАРИМОВ.

Долзарб мавзу

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – МЕҲНАТКАШ ҚАЛҚОНИ

аммо унга қаерда қандай амал қилинмоқда?

«Сирдарёпахтасаноатсотиш» хиссадорлик бирлашмасига қарашли корхоналарда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинаётгани билан қизиқиб, бир неча ишлаб чиқариш жамоаларида бўлдик.

Очиғини айтганда, қоғозларда жимжимадор қилиб белгиланган тадбирларнинг аксарияти бажарилмай қолаяпти. Хўш, режалар нима учун амалга ошмаяпти? Маълумки, баъзи раҳбарлар корхона маблағларининг ҳуда-беҳуда ҳавога совурилишига йўл қўйишади-ю, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига келганда зиммаларидаги масъулиятни унутишади ёки лоқайдлик қилишади. Хусусан, Бахт ва Оқолтин пахта тозалаш заводларида жамоа шартномалари бажарилишини назорат қилишда сусткашлик қилинмоқда. Шартнома лойиҳасини тайёрлаш, унинг ижросини таъминлаш бўйича қўшма комиссиялар тузилмаган. Боёвут ва Бахт пахта тозалаш корхоналарида эса зарарли шароитда ишлаётганларга сут маҳсулотлари берилмаётир.

Шунингдек, ишчи-хизматчилар маошини тўлашда узилишларга йўл қўяётган корхоналар ҳам йўқ эмас. Одамлар ойлаб маошларини ололмаётгани меҳнат кўрсаткичларига салбий таъсир этмоқда. Ҳозирги пайтда Сардоба пахта тозалаш заводи 11 миллион сўм, Боёвут пахта тозалаш корхонаси меҳнаткашлардан 20 миллион сўм миқдорида иш ҳақидан қарздор. Мазкур корхоналар раҳбарлари нима сабабдан бундай ҳолга хотиржам муносабатда бўлаётганликлари кишини ажаблантиради.

Гулистон пахта тозалаш корхонасида эса иш ҳақи маҳсулот билан ҳисобкитоб қилинаётгани ўринли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, жамоа шартномасида бундай иш усули кўзда тутилмаган.

Маълумки, қонунлар инсон манфаатларини кўзлаб қабул қилинади. У барчага баробар. Афсуски, баъзи раҳбарлар буни била туриб, қонун бузилишига йўл қўйишмоқда. Чунончи, Сардоба пахта тозалаш заводида Меҳнат кодексининг 181-моддасига зид равишда ходимлар А.Маҳамбетов, А.Раҳмонов, И.Ёқубов ва М.Ҳакимовларга шу йилнинг 31 мартидаги 15-сонли буйруқ билан «қаттиқ ҳайфсан» эълон қилинган. Лекин, улардан тушунтириш хати олинмаган, буйруқ билан ҳам таништирилмаган. Гулистон пахта тозалаш заводида чиқарилган 2000 йил 6 майдаги 71-сон буйруққа асосан Х.Аҳмедовга «ҳайфсан» эълон қилинган ва яна меҳнат интизомини бузган тақдирда меҳнат шартномаси бекор қилинади, дейилган дўқ-пўписадан иборат сўзлар ҳам қўшиб қўйилган. Ахир, бу қонунга зид-ку!

Айрим ҳиссадорлик жамиятларида аёлларга қўшимча имтиёзлар берилмай, ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўйилмоқда. Масалан, Сардоба пахта тозалаш заводи бўйича чиқарилган 21-, 55-сонли буйруқларга асосан 2 нафар ва ундан кўп боласи бўлган аёллар Б.Аҳмедова ҳамда Н.Карталиеваларга меҳнат таътили қўшимча кунларсиз берилган.

Меҳнат кодексининг 220-моддасида ишловчи ногиронпенсионерлар 30 календар кун миқдорида меҳнат таътили олиш ва ҳафтасига 36 соат ишлаши кўзда тутилган. Аммо, Оқолтин ва Боёвутдаги меҳнат жамоаларида ишловчи пенсионерлар ана шу имтиёзлардан фойдалана олишмаётир. Маъмурият томонидан улар учун қисқартирилган иш соатлари ва қўшимча таътиллар берилмасдан қолмоқда.

Энди, Бахт пахта тозалаш заводида юз берган мана бу қонун бузилишига эътибор берайлик. Ходим А.Караев билан меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-бандига хилоф равишда бекор қилинган. Аслида А.Караев меҳнат интизомини бир маротаба бузган. Лекин унга меҳнат интизомини мунтазам бузганликда айб қўйилган ва ишдан бўшатилган. Яна кишини ҳайрон қолдирадиган томони шундаки, бошланғич касаба уюшма ташкилотининг бундан мутлақо хабари йўқ. Демакки, унинг розилиги олинмаган. Бундай ўзбошимчаликлар билан муроса қилиш асло мумкин эмас.

Жамоа шартномаси — меҳнаткаш қалқони. Унга риоя этиб иш юритиш адолат мезонидир. Шу боис, буни «Сирдарёпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси ва унга қарашли корхоналар раҳбарларига яна бир бор эслатиб қўйишни лозим топдик.

Моҳира УМАРОВА,
Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири,
Жанна ЦОЙ,
ҳуқуқий бўлим мудири.

СОВОТДА ШИФО МАСКАНИ

Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Ж.Усмонов номли ширкат бирлашмасининг меҳнат аҳли Янги йил арафасида ажойиб совға олди. Хўжалик маркази - Совот қишлоғида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифо маскани фойдаланишга топширилди. Уни вилоят капитал қурилиш бошқармаси томонидан ажратилган 30 миллион сўм маблағ ҳисобига Зоминдаги кўчма жамланма қурувчилари олти ой ичида қуриб битказди.

Янги қишлоқ врачлик пункти очилиши маросимида совотликларни Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) Сайёра Рашидова қутлади. У Янги аср арафасида қад ростлаган бу шифо маскани Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини тиклаш бўйича олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг яққол намунаси эканини, республикамиз қишлоқларида бундай замонавий шифохоналарнинг тобора кўпайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА).

«Ишонч»га жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йил 1 декабр сонида ушбу сарлавҳа остида босилган мақолада Фарғона вилоят қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси тизимидаги корхона, ташкилотларда қўлга киритилаётган ютуклар билан бирга камчилик-нуқсонларга йўл қўйилаётгани танқид қилинган эди. Жумладан, бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарида жамоа шартномалари бандлари бажарилишига панжа орасидан қаралаётир. Иш нотўғри ташкил этилгани оқибатида ишловчиларга ойлик маошлар, ишлаб чиқариш жараёнида ногирон бўлиб қолган ходимларга товон пуллари белгиланган муддатда тўланмаяпти.

Ана шу мазмундаги газета чиқишига мутасадди ташкилотдан қуйидаги жавоб хати олинди:

«ВАЪДАДАН ИМОРАТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ»

— Мақола тармоқ Марказий қўмитасининг Раёсат мажлисида вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмиталари, касаба қўмиталари раислари Кенгашлари ва йирик корхона, ташкилот касабақўмлари раислари иштирокида муҳокама қилинди.

Раёсат Фарғона вилоят касаба уюшма қўмитаси раиси Х.Қосимовнинг касаба уюшмаси ҳаракат Дастурининг меҳнат муҳофазаси бўйича талабларининг бажарилиши, шунингдек, газета мақоласида баён этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини эшитди. Унда жумладан, «Фарғонасаноатфуқароқурилиш» ҳиссадорлик жамиятида 15 декабргача иш ҳақидан 40 миллион сўмлик қарздорлик узилгани, октябр, ноябр ойларига белгиланган маошлар йил охиригача тўланиши қайд қилинади. «Фарғонанефткимёмонтаж» ҳиссадорлик жамияти бўйича эса 30 миллион сўмлик қарз ишчи-хизматчиларга тўлаб бўлинди. «Қўқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ҳам иш ҳақларининг ярмидан кўпроғининг тўланишини таъминлади. Қолган 5 миллион сўмга яқин қарз декабр ойи охирига қадар узиб бўлинади.

«Фарғонақурилиш» ҳиссадорлик жамияти етказилган зарарни қоплаш учун Н.Барабаншиковага 27.775 сўм тўлади. «Фарғонанефткимёмонтаж» маъмурияти эса саккиз нафар ходимга етказилган зарар учун 110 минг сўмдан зиёд пул сарфлади.

Раёсат мажлиси, шунингдек, Фарғона вилоят кўмитаси раиси Ҳ.Қосимов ва унинг ўринбосари А.Баҳромовнинг ўз лавозимларида қисқа муддат ишлаганликларини инобатга олиб, уларнинг фаолиятларига танқидий баҳо бериш билан чегараланди.

Шу билан бирга, Раёсат ҳудудий касаба ташкилотларининг сайланма органлари раҳбарлари ва корхоналар касабақўмлари раислари зиммасига жамоа шартномаларида кўрсатилган иш ҳақини тўлаш муддатларига қатъий риоя этишда талабчанликни кучайтириш вазифаларини юклади. Бу талаблар бажарилмаган тақдирда суд органларига даъво аризалари йўллаш мумкинлиги уқтирилди.

Ш.ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси.

ДОРИ-ДАРМОН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН

Нурота туманидаги «Ғозғон» ширкат хўжалигида ҳам жамоа шартномаси шартларининг бажарилиши таъминланаётгани ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Биргина қўзилатиш якунига кўра ишловчиларга 480 бош қўй, 25 гилам ва бошқа қимматбаҳо совғалар мукофот тариқасида берилди. Жумладан, мусобақа ғолиби бўлган Суннат Бердиевга «Тико» автомашинасининг 50 фоизи миқдоридаги маблағ хўжалик ҳисобидан тўланадиган бўлди.

Чорва моллари туёқ сони ўсиши ҳисобига ташкил этилган отарларда 6 кишига янги иш ўринлари яратилди. Зарарли ишда ишловчилар белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланишмоқда. Шунингдек, мавсумий ишда ишловчилар учун 1,5 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди.

Ишловчиларнинг соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида туман марказий шифохонаси билан шартнома тузилган. Унга асосан шифохонада даволаниётган ишчи-хизматчилар учун сарфланган дори-дармон харажати хўжалик ҳисобидан қопланаётир.

Ялғош САРИЕВ.

Тармоқ касаба уюшмаларида

ИЖРО ИНТИЗОМИ

Унга қандай амал қилинмоқда?

Хоразм вилояти ёқилғи, энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни кучайтириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Қўмита таркибида 52 та ташкилот бўлиб, уларнинг ҳар бири маъмурият билан жамоа шартномаси тузган. Ундаги бандларга тўла риоя этилиши таъминланган. Жумладан, Хонқа туманидаги нефт маҳсулотлари корхонасида йил бошидан 62 нафар аъзонинг ҳар бири маошига 40 фоиз устама ҳақ тўлаш йўлга қўйилди.

Касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан бири меҳнат хавфсизлигини таъминлашдир. Чунки инсон саломатлигини асраш унинг иш қобилиятини, оиласи фаровонлигини таъминлаш демакдир. Шу боис, меҳнаткашларга зарур иш шароитлари яратишга жиддий эътибор қаратилаётир. Ҳеч кимга сир эмас, кейинги йилларда Оролбўйи минтақаси аҳолиси экологик бўҳронлардан, айниқса, ичимлик сувининг сифатсизлигидан қийналиб келарди. Касабақўм маъмурият билан келишиб, корхона ишчилари учун ичимлик сувини тозалайдиган мослама ўрнатилишига эришди. Махсус тиббий хона ташкил қилиниб, керакли дори-дармонлар билан таъминланди. Ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини назорат қилиш мақсадида, йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтказилади.

Нафақага чиққанлар ҳам тез-тез йўқлаб турилади. Жорий йилда уларга 66 минг сўмлик совға-саломлар улашилди.

Бундай хайрли ишлар Урганч газ узатиш, вилоят электр тармоқлари, «Жанубгазқурилиш» корхона ва ташкилотларида ҳам намунали олиб борилмоқда.

Кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган, ногирон болаларни тарбиялаётган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун 715 минг сўм сарфланган бўлса, унинг 500 минг сўми касаба уюшмалари ҳисобидан тўланди.

Аёл саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида улар вақти-вақти билан қўшимча тиббий кўрикдан ўтказилаётир. Унга кетадиган харажатларни жамоа шартномаларида белгиланганидек маъмурият ўз зиммасига олган.

Амалдаги йилнинг ўтган даври мобайнида «Ҳилол»га 30, республика сиҳатгоҳларига 28 нафар аёл фарзандлари билан дам олишга юборилди. Шу мақсадларга корхоналар маблағидан 525 минг, касаба уюшмалари ижтимоий суғуртаси томонидан 6 миллион 777 минг сўм сарфланди.

Шунингдек, ишдан ажралмаган ҳолда ходимларни соғломлаштириш ишлари ҳам дуруст йўлга қўйилган. «Ҳидоят» соғломлаштириш мажмуида 117 нафар аёл ва 72 нафар бола соғломлаштирилди. Унда сув ҳавзаси, сауна мавжуд. Шунингдек, жисмоний тарбия, спортнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус жиҳозланган хоналар бор.

2000-2001 ўқув йили арафасида болалар уйларига, мактаб-интернатларга 263,7 минг сўмлик асбоб-анжомлар, ўқув қуроллари совға қилинди.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ибрат

Сурхон воҳасининг Хайробод пахта-тозалаш ҳиссадорлик жамиятида 520 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Айни кунларда уларнинг самарали ишлашлари учун қулай шароитлар яратилган.

ТУШЛИК - БЕПУЛ

Хусусан, маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ишчиларга жамоа шартномасига биноан бепул иссиқ овқат, зарарли шароитда ишлаётганларга ҳар куни бир литрдан сут ва қатиқ берилмоқда. Барча ишловчилар махсус кийим ва иш қуроллари билан таъминланган.

— Соғлом авлод йили дастури асосида тузилган тадбирларга биноан 50-ўрта мактабнинг кам таъминланган оилаларига 51 минг сўмлик ўқув қуроллари тарқатдик, - дейди касаба уюшмаси раиси Асадулло Абдуллаев. - Жорий йилда «Вахшивор» дам олиш масканида 300 киши дам олиб қайтишди. Кеча-ю кундуз ишлайдиган махсус тиббиёт хонаси ҳам ишчилар хизматида.

Айни чоғда корхона маъмурияти ишчилар яшаётган маҳаллаларга газ қувурлари ўтказиш тараддудини кўрмоқда.

МАЪНАВИЯТ ХОНАСИДА

Сариосиё тумани халқ таълими бўлимига қарашли 70 та умумий ўрта таълим мактабида 2819 нафар педагог 39043 нафар ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида кейинги йилларда яхши ишлар амалга оширилди, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири Аҳмаджон Бобоев. — Бўлимимизда ташкил этилган компьютер ва давлат таълим стандартлари мониторинги хонасида тумандаги барча ўқувчиларнинг билим даражаси назорат қилиб борилаяпти.

Маънавият хонаси эса умумий ўрта таълим мактабларининг маънавий, маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг марказига айланган.

Бундан ташқари, туман халқ таълими бўлими билан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар ҳам ютуқлар гарови бўлмоқда. Зотан, ўқитувчи-мураббийлар ҳамда уларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш масаласи касаба уюшмасининг доимий диққат марказида.

Туманимиз бўйича «Болаларни кундузги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида» 475 нафар тармоқ ходимларининг фарзандлари дам олдирилди. Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини ўтказиш учун етарли миқдорда маблағ ажратилди. Нафақада бўлган тармоқ ходимлари Муродхожи Бобомуродов ва Тожиддин Тўраевларни ўлка бўйлаб саёҳатга юбориш учун «Нуроний» жамғармасига маблағ ўтказиб берилди.

Сариосиё тумани халқ таълими бўлимида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан танишарканмиз, ўз касбига фидойи ўқитувчилар таълим-тарбия бераётган ёш авлоднинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

Бухоро вилоят ҳокимлиги ижтимоий таъминот бошқармаси ҳимояга муҳтож ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, дардига малҳам бўлиш юзасидан ўтказилаётган кўплаб хайрли тадбирларнинг бошида турибди. Бошқарма ҳар бир ногиронинг мурожаатини диққат-эътибор билан тинглабгина қолмай, уни ҳал қилиш йўлларини топаётганлиги диққатга сазовордир.

НОГИРОНЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Яқинда бу ерда Давлат дастури асосида АҚШ давлат департаментининг «Каунтерпартинтернейшл» ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган хайрли тадбирни ногиронлар узоқ вақт ёдда сақласалар керак. Ўзаро келишувга мувофиқ ёрдам тариқасида 120 минг АҚШ доллари миқдорида келтирилган ногиронлик аравачалари белгиланган манзилга етказиб берилди. Жумладан, Ғиждувон тумани 56 та, Олот — 18, Қоракўл тумани — 14, Жондор — 16, жами 240 дона ногиронлик аравачалари уруш ва меҳнат фахрийлари, I гуруҳ ногиронларига байрам совғаси сифатида улашилди. Илгари ҳам худди шундай 54 минг АҚШ доллариик мурувват кўрсатилган эди. Шу тариқа вилоят бўйича ногиронлик аравачаларига бўлган эҳтиёж тўла-тўкис қондирилди. Ҳаммасидан ҳам мосламаларни топшириш маросимларини ҳақиқий меҳр-шафқат байрамига айланиб кетганлиги эътиборга лойиқдир. Унда туман ва шаҳар ҳокимлари, маҳалла оқсоқоллари, ишлаб чиқариш илғорлари, турли хил жамғармаларнинг вакиллари, ёшлар иштирок этдилар.

Усмон НАВРЎЗ.

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ходимларини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Халқ таълими вазирлигининг буйруқларини янада самаралироқ амалда татбиқ этишда тармоқ касаба уюшма қўмиталарига кўмак учун «Эслатма»ни чоп этди.

Таҳририятимизга педагог ходимлардан келаётган кўплаб хатларда асосан уларга белгиланган имтиёзлар тўғрисидаги турли хил саволлар билан мурожаат қилинаётганлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу эслатманинг тўла матни эътиборингизга ҳавола этилаётир.

1990 йил июн ойидан 2000 йилгача республикада педагог ходимлар ва тармоқларда таълим олаётган ёшларнинг моддий фаровонлигини ошириш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган бир қатор Президент Фармонлари чиқарилди.

Президент Фармонига асосан педагог ходимларнинг маоши йигирма маротабадан кўпроқ оширилди.

1. 1993 йил 1 январдан тармоқ ходимлари иш ҳақи бўйича ЯТС (Ягона тариф сеткаси) жорий этилди. 1995 йилдан унга иш ҳақи бўйича янги коэффициентлар киритилган.

2. Бошланғич синф ўқитувчиларининг маошини ошириш ҳақидаги (1990 йил 2.06.) Президент Фармонига мувофиқ 1990 йил 1 сентябрдан бошлаб синф ўқитувчиларининг дарс юкламаси ҳафтасига 14 соатни ташкил этади.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

3. Президентнинг «Барча турдаги мактаб ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги 1990 йил 13.11. Фармонига мувофиқ, юқори синф ўқитувчиларининг дарс юкламаси 1991 йил 1 январдан бошлаб ҳафтасига 16 соатни ташкил этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонига мувофиқ қуйидагилар давлат ва (ишхона) идораларига қарашли уй, хонадонларни шахсий мулк этиб олишга ҳамда хонадон (уй) ва коммунал хизматлар учун тўлов бўйича, уй-жой қурилиши учун ер участкаси ва қурилиш материаллари олишга педагог, илмий-педагог ходимнинг иш стажидан қатъий назар ҳақли:

а) мактаблар ва барча турдаги мактаб-интератлар (жумладан, кечки, сменали), умумтаълим мактаблари, лицей, гимназия, мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинат ўқитувчилари, ўқитувчи-логопедлар, ўқитувчи-дефектологлар, директорлар, ўқув, ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, чет тили, ишлаб чиқариш таълими муаллимлари, тарбиячилари, куни узайтирилган гуруҳ тарбиячилари, меҳнат дарси бўйича инструкторлар, ишлаб чиқариш таълими усталари, тўгарак раҳбарлари, мусиқа таълими раҳбарлари, махсус тарбия бўйича ўқитувчилар, руҳшунослар, мосламалар орқали тинглаб таълим олинадиган хона инструкторлари, болалар билан синфдан ташқари ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар олиб борувчи ташкилотчилар, ҳарбий чақириққача тайёргарлик бўйича раҳбарлар, мактаблар, мактаб-интернатлар, мактабларо ишлаб чиқариш комбинатлари, лицейлар, гимназиялар раҳбарлари, умумтаълим мактаблар ва кечки (сменали) ўрта умумтаълим мактабларнинг кечки бўлим мудирлари, мактаблар қошидаги логопед пунктларининг ўқитувчи-логопедлари, кутубхона мудирлари, мактаб, мактаб-интернат, мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари, лицей, гимназиялар кутубхоначилари.

(Давоми бор.)

2000 йил - Соғлом авлод йили

БОЛА ТАРБИЯСИГА БАРЧА МАСЪУЛ

Ҳамза туманидаги 153-ўрта мактабда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ўқитувчилар ҳамда ота-оналар билан давра суҳбати бўлиб ўтди. «Умид» маҳалласи фаоллари ва бошқа сўзга чиққанлар куюниб таъкидлаганидек, айрим ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига бефарқлиги сабабли болалар назоратсиз қолдирилмоқда. Натижада улар кўча ва бозорларда дайдиб кун ўтказишади. Бунинг оқибатида нохуш воқеалар содир этилаётир. Вояга етмаганлар орасида ўғирлик қилаётганлар, гиёҳвандликка берилаётганлар учраётганлиги ғоят ташвишли ҳолдир.

ДАН вакили эса ўқувчилар томонидан йўл-транспорт ҳодисаси содир этилаётгани, баъзи болалар йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаётганликларига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада қатор тавсия ва маслаҳатлар берди.

Давра суҳбати охирида иштирокчилар бир бола тарбиясига етти маҳалла масъул эканини, ёшларни баркамол, маданиятли, фидойи инсонлар этиб тарбиялашда ота-оналар, педагоглар, жамоатчилик ҳамжиҳатликда иш олиб борсалар, бунинг учун тез-тез йиғилиб фикр алмашиш, маслаҳатлашиб туриш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашди.

Шавкат АБДУЛЛАЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбек каштачилиги шуҳратини жаҳонга ёйган «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамият XXI асрга ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтирган, маҳсулот сифати ва салмоғини оширган ҳолда ёруғ юз билан кириб келмоқда. Жамиятнинг қўли гул чеварлари айни кунда зардўзи тўнлар тикишни ҳам йўлга қўйишди.

Суратларда: Зардўз уста Муаттар Ғуломова шогирдлари Ақида Аҳророва, Дурдона Икромовалар билан.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Сирдарё шаҳридаги «Шуҳрат» акционерлик жамиятига қарашли Иссиқ нон ишлаб чиқариш корхонасида бугунги кунда 13 хил турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Хорижий технология билан жиҳозланган корхонада бир кеча-кундузда 1400 дона нон, 200 килограмм макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Суратда: Корхонанинг илғор ишчилари Забаржад Шерматова ҳамда Нодира Кенгашевалар.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

«Ишонч» бонг уради

КУТУБХОНАМИ Ё МУЗХОНА?

Мана, қишнинг дастлабки ойи тугашига ҳам озгина қолди. Бу пайтда ҳамма жойда яшаш, ўқиш ва иш жойлари иситилган бўлиши керак. Бироқ, Ғузор туманида ана шу муҳим вазифага етарли эътибор берилмаётган кўринади.

Туманда 2 та билим юрти, 1 та коллеж, 77 та мактаб бўлиб, уларда қишга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек амалга оширилмаганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Дастлаб туман касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши ходими Саид Холиқовга учрашдик. Очиғи, хона совуқлигидан у ерда кўп туролмай, ташқарига чиқдик.

— Илгари туман ҳокимлиги жойлашган бу бино бинойидек исирди, - дейди ҳижолатини яшира олмай Саид ака. - Ҳокимлик бошқа бинога кўчгач, биз билан ҳеч ким қизиқмай қўйди. Уч йилдан буён аҳвол шу.

Шу иморатнинг ўзида 17 та ташкилот фаолият кўрсатади. Хуллас, қайси идорага қарашли хонага кирманг, барида бир хил манзара: одамлар телпак, пальто, курткасини ечмай ишлаб ўтиришибди.

— 30 йилдан буён бир соҳада ишлаб келаман, - суҳбатга қўшилди туман статистика ва ҳисоблаш маркази бошлиғининг ўринбосари Боймурот Шералиев. - Бир хонада 6 киши ишлашимиз керак, лекин базўр 5 киши сиғамиз. Устига-устак, хоналар иситилмайди. Ноилож-ликдан, совуқ жондан ўтганидан қоидага хилоф равишда электр иситгичдан фойдаланилаяпти. Шунинг ўзига ойига камида 5 минг сўм тўлаймиз. Бу фақат бизнинг хонага сарфланадиган харажат.

Уч хонадан иборат Муқимий номидаги марказий кутубхонага кирамиз. Шинам ва бежирим жиҳозланганидан кишининг дили яйрайди. Лекин бу ерда ҳам кўп тура олмадик. Сабаби маълум. Кутубхона директори Эшқобил Дониёровнинг айтишича, 52 мингдан ортиқ китоб фонди бўлган кутубхонада 12 киши ишлайди. 1996 йилнинг декабридан буён шу жойда фаолият кўрсатаётганлар қиш фасли яқинлашса, ташвишланадиган бўлиб қолишган.

— Одамларга зиё тарқатадиган касбда ишлаётганимдан фахрланаман, - дейди Шаҳноза Исаева. - Аммо бундай шароитда китобхонлар келиши сезиларли камайди. Печкалар керакли иссиқликни бера олмаяпти. Бунинг устига ёнғинга қарши кураш назоратчилари жиддий эътирозлар билдиришаяпти. Туман маданият ишлари бўлими мудири Сайл Шапоатов бу ҳақда мутасаддиларга бир неча марта ёзма ва оғзаки мурожаат қилди, бироқ натижа йўқ.

Биз ушбу масала хусусида туман ҳокимининг ўринбосари Бекназар Нуриддиновга учрашганимизда у шундай деди:

— Шикоятлар ўринли. Ҳокимлик бошқа бинога ўтгач, иситиш тармоғини алоҳида қилиб олдик. Энди ўзлари жон куйдиришсинда...

Биз «таъмирлаб қўйилган» тармоқларни кўздан кечирганимизда яқин орада унга қўл урилмаган, ҳимояланмаган қувурларни кўриб Бекназар Нуриддиновнинг гапи ёлғонлигини англадик. Ҳатто қозонхона эшиги очилмаган.

Туман марказидаги тўрт қаватли бино диққатимизни тортди. Унга яқинлашамиз. Технология-иқтисодиёт коллежи бўлган ушбу масканда 700 дан ортиқ талаба таҳсил олади. 300 ўринли ётоқхонада айни пайтда 100 нафар талаба яшамоқда. Илм даргоҳига киришингиз билан хоналарнинг иссиқлигини кўриб қувонасиз. Ҳаммаёқ саранжом-саришта.

Тумандаги касб-ҳунар лицейида тажрибали устоз Жонимқул Мирзаев раҳбар. Лицейга қарашли 600 ўринли ётоқхонада айни пайтда 100 нафар талаба жойлашган. Ҳанузгача қозонхонанинг ишга туширилмагани ётоқхонани музхонага айлантирган. Ёшлар ноилож-ликдан электр жиҳозлардан фойдаланишаётир. Ахир, бу турли нохуш воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин-ку! Бунинг устига ётоқхонада атиги битта телевизор бор. У ҳам навбатчининг хонасида.

Мутасаддиларнинг айтишича, қозонхонага бир мавсумда 60 тонна ёнилғи сарфланар экан. Ҳозиргача бор-йўғи 5 тонна суюқ ёнилғи олинибди, холос. Табиий газ қувурлари шундоқ-қина Ғузор ҳудудидан ўтган бўлса-да, лицей биноси ҳанузгача газлаштирилмаган. Ётоқхонанинг бир қисмидан жой олган Тоштемир Жумаев номли мактаб ва болалар боғчасида ҳам аҳвол қониқарсиз. Мактаб ва боғча жамоаси ҳам иситиш мосламалари тезроқ ишлатилишини сабрсизлик билан кутмоқда. Бу ҳолга туман, вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари қўмиталари раҳбарлари, қолаверса, Қашқадарё вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи Рўйиддин Раҳимов нима деб жавоб беришаркин?

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

2001 ЙИЛ — «ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ»

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Тармоқ ходимларини 2001 йил — Оналар ва болалар йили билан самимий муборакбод этади!



Янги йил, янги аср азиз хонадонингизга қут-барака, бахт-саодат олиб келсин!

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси



Соҳа ходимларини янги 2001 йил билан самимий қутлайди.

Янги асрда азиз Ватанимиз - ҳур Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз барорида келсин, деймиз!



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

СОҲА МЕҲНАТКАШЛАРИНИ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ 2001 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Янги асрда барчангизга соғлик-саломатлик, оилангизга бахт-омад тилаймиз. Эзгу ишларингизда муваффақият ҳамиша ёр бўлсин.

Мамлакатимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз эл-юрт фаровонлигига муҳим ҳисса бўлиб қўшилсин, чеҳрангиздан ҳеч қачон кулгу аримасин!

«КЎКЧАНОН» ДАВЛАТ КИЧИК КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



Барча-барчани ажойиб байрам билан чин юракдан қутлайди!

«Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинган 2001 йил хонадонингизга бахту саодат, рўзғорингизга қут-барака олиб келсин.



ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Республикамиз аҳли ва соҳа ходимларига самимий эзгу ниятларни йўллайди.

Янги йил муваффақиятлар йили бўлсин!



Ҳар бир оилага бахт, сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик тилаймиз!



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

Юртдошларимизни ва соҳа меҳнаткашларини Янги аср ва янги мингйиллик билан муборакбод этади!

Барчангизга толе ёр бўлсин! Хонадонларимиз обод, фарзандларимиз бахту саодатли, дастурхонларимиз тўкин бўлсин!





Омад Сизни асло тарк этмасин!

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Муаллим ва мураббийларни, олиму фузалоларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбдан табриклайди!



Барча эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин!

Жондан азиз Ватанимиз — ҳур Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин!



ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон халқини, тармоқ касаба уюшталари аъзоларини янги 2001 йил — «Оналар ва Болалар йили» билан самимий қутлайди!



Янги асрда хонадонингиздан қут-барака, севинч ва тотувлик аримасин. Муборак юртимизда тинчлик-хотиржамлик ва осойишталик ҳамиша барқарор бўлсин!

TV дастури

26-31 декабр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

СЕШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Қуёшли юрт қушиқлари». Концерт.
9.15 «Меҳр қолур».
9.30, 12.45 ТВ-метео.
9.40 «Шарқнинг машҳур аёллари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Бешбармоқ». Тележурнал.
10.20 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
11.35 «Куйла, танбур, дуторим».
12.05 «Маънавият» дастури.
12.50, 14.10 ТВ-анонс.
12.55 Лирик тароналар.
13.25 «Кулгитерапия».
14.20 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Чорак финал. Бразилия-Дания.
16.00 «Латиф лутфу наволар». Бадиий-ҳужжатли видеофильм. 1-қисм.
16.40 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 ТВ-клип.
18.20 Болалар учун. «Фламинго».
18.45 «Истеъдод». В.Қодиров.
19.05 «Фермер».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Таълим-тарбия миллий дастури-амалда».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
21.40 «Навоийхонлик».
22.00 «Қалтис қадам». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.00 Таэквандо бўйича Ўзбекистон кубоги.
23.25 «Ахборот».
24.00 «Қалтис қадам». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри», «Мульттомоша».
9.50, 11.50, 13.30, 16.00 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Аср қиёфаси».
10.20 «Рей Брэдбери театри». Телесериал 46-қисм.
10.45 Болалар учун: «У ким? Бу нима?»
11.05 «Даллас». Телесериал.
12.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
13.40 « Мағриб тунлари». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.20 «Фарзандим-жигарбандим».
14.35 «Имом ал-Бухорий». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.10 «Олтин мерос».
15.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 55-қисм.
16.10 «Шалаш оиласи». Телесериал. 8-қисм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт».
17.20 «Таянч».
17.35 «Олтин мерос».
17.40 «Уйғониш асри». Самарқанд-Бухоро.
18.05 «Кўҳна оҳанглар». Бахтиёр Холхўжаев куйлайди.
18.25 «Ватан манзаралари».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Биринчи мўъжиза».
19.55 «Давр»-интервью.
20.10 «Ёшлар овози».
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.30 « Мағриб тунлари». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.30 «Марду-майдон».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Авторейд».
22.55 «Даллас». Телесериал.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
0.45-0.50 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
8.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
9.20 «Халқ саломатлиги йўлида».
9.40-10.00 «Омад» тележурнали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Хўрозтепалик миршаб». 3-қисм.
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Туризм ҳақида».
22.00 «Экспресс» телегазетаси.
22.15 «Эҳтиром ила».
22.35 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Орхидея вилласи».
1.20-1.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
*
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Телесериал.
17.55 «Бинафша».
18.10 «Клип-антракт».
*
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
*
18.45 «Бугун оламда». Аҳборот кўрсатуви.
*
18.55 «Инсон ва қонун».
*
19.40 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 «Клип-антракт».
*
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.45 «Автомобилдан сақланинг». Кинокомедия.
*
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин».

ПАЙШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 Мумтоз наволар.
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбекистон жавоҳирлари».
9.30, 12.20 ТВ-метео.
9.35 «Болалигим-пошшолигим».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
11.50, 17.00 ТВ-анонс.

«Умид» намойиш этади:

12.05 «Қалб сайёраси».
12.25 «Бахтимизга омон бўлинг».
12.40 «Шу кунлар шиддати».
13.00 «Қушиқларимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
13.30 Телевизион новеллалар театри.
14.10 «Баҳром ва Дилором». Мультфильм.
14.20 ТВ-клип.
14.30 «Ёднома».
14.50 «Семурғ». Бадиий фильм.
16.00 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
16.20 «Латиф лутфу наволар». Бадиий-ҳужжатли видеофильм. 3-қисм.
17.10 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
17.40 ТВ-интернет.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни».
21.45 «Оталар чойхонаси».
23.00 «Ахборот».
23.35 «Толе». Бадиий фильм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси : «Дунё ва болалар», «Мульттомоша».
9.50, 11.50, 17.00 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Сийрат».
10.20 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 48-қисм (якунловчи)
10.45 «Бегойим».
11.05 «Даллас». Телесериал.
12.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.30 «Ҳайрат».
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Бир ўлка-ки»
14.20 «Имом ал-Бухорий». Бадиий фильм. 3-қисм.
14.55 Хоразм телевидениеси тақдим этади: «Созимдасан, қўшиғимдасан, қалбимдасан, Ўзбекистон!»
15.25 Болалар экрани. «Гўзу-турналар», «Қиз-қалъаси».
16.05 «Кўҳна оҳанглар». Ўктам Аҳмедов.
16.20 «Шалаш оиласи». Телесериал. 10-қисм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.45 «Зиё улашган инсон». Профессор Муҳаммаджон Комилов.
18.00 «Олтин мерос».
18.05 «Табобат оламида».
18.20, 21.40 «Мусиқий лаҳзалар».
18.25 «Икки эшик ораси».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Мезон».
20.00 «Давр»-интервью.
20.15 Р. Матёқубов куйлайди
20.30 «Ёшлар овози».
20.50, 21.35, 22.30 Эълонлар
20.55 «Мағриб тунлар». Бадиий фильм. 3-қисм.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.10-1.15 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
9.25 «Дилором наволар».
9.45 «Экспресс» телегазетаси.
10.00 С. Имомов. «Шайтон ва фариштa». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
11.45 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
12.10 Болажонлар экрани. «Бувимни қайтаринг».
13.15-13.35 «Омад» тележурнали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Хўрозтепалик миршаб». 5-қисм.
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «ТВ-плюс».
21.55 «Экспресс» телегазетаси.
22.10 «Эҳтиром ила».
22.30 Кинонигоҳ. «Ошиқи-беқарорлар». 1, 2-қисмлар.
00.50-00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
*
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Телесериал.
17.55 «Дурдаршан».
*
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
*
18.45 «Бугун оламда». Ахборот дастури.
*
18.55 А. «Жараён» дастурида.
*
19.40 «Польшага назар».
20.00 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
*
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 Қутқарувчилар кунига бағишланган концерт дастури.
*
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЖУМА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мусаввир».
9.15 «Айкулаш» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
9.35, 12.25 ТВ-метео.
9.40 «Басат паҳлавон». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Болалар учун. «Ҳа, ҳа, ҳа».
10.25 «Аҳмад қаерда?» Бадиий фильм.
11.55 ТВ-клип.
12.05 «Сомон йўли».
12.30 «Спорт, спорт, спорт». Телешарҳ.
12.50 «Вақтинг кетди».
13.10 «Шарки ва Жорж». Мультфильм. 1, 2-сериялар.
14.10 «Театр ва мусиқа».
14.30 «Кичкинтой устахонаси».
14.50 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
16.20 «Бинокор».
16.35 «Латиф лутфу наволар». Бадиий-ҳужжатли видеофильм. 4-қисм.
17.15 ТВ-анонс.
17.25 «Табассум кўчаларида». 1-қисм.
18.10 «Президент арчаси».
19.10 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.05 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт оламида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.20 «Қутлуғ келсин қадамларинг». Мусиқий дастур.
22.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
22.35 «Аския кечаси».
23.10 «Ахборот».
23.45 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.50, 11.00 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Даллас». Телесериал.
11.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
12.40 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм. 3-қисм.
13.25 «Икки эшик ораси».
13.45 «Имом ал-Бухорий». Бадиий фильм. 4-қисм.
14.20 «Олтин мерос».
14.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 56-қисм.
15.10 Ғуломқодир Эргашев. «Рубоб оҳанглари».
15.20 Болалар экрани. «Қуён оғаникида ҳовли».
15.55 «Очун».
16.15 «Шалаш оиласи». Телесериал. 11-қисм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
17.35 «Ассалом, келажак!»
17.40 «Манзур».
18.00 «Олтин мерос».
18.10 «Ёшлар ва маънавият».
18.25 «Автосалтанат».
18.40 «Ассалом, келажак!»
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Саломат бўлинг».
19.50 «Олтин мерос».
19.55 «Аср қиёфаси».
20.15, 21.10, 22.30 Эълонлар
20.25 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм. 4-қисм.
21.15 «Баҳс».
21.35 «Аскар мактублари».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
22.35 «Ассалом, келажак!»
22.40 «Тунги тароналар».
22.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари. Майк Тайсон.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
0.05-0.15 «Мунаввар тонг истаб».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
8.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
9.20-9.40 «Омад» тележурнали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Хўрозтепалик миршаб». 6-қисм.
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Эътиқод».
21.50 «Эҳтиром ила».
22.10 «Экспресс» телегазетаси.
22.25 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. «Катта».
1.10-1.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
*
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Телесериал.
17.55 «Соккер-клуб».
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 «Дипкурьер».
18.45 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
19.35 «Клип-антракт».
*
19.40 «Мўъжизалар майдони». Янги йил сони.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.55 Жеймс Балуши «К-9: Итдек ҳориб» комедиясида.
*
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 30

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Яна Тошкентга саёҳат» ёхуд минг бир кечанинг бир таърифи». Бадиий-мусиқий дастур. 1-қисм.
9.35, 12.05 ТВ-метео.
9.40 «Ҳидоят сари».

«Умид» намойиш этади:

10.05 «Умид» ахбороти.
10.20 «Шинаванда бола».
*
10.50 «Цирк, цирк, цирк!»
11.10 «Нотаниш дил суҳбати».
11.25 Эстрада тароналари.
12.00 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни».
12.35 ТВ-анонс.
12.40 «Янги йил илҳомлари». Адабий кўрсатув.
13.00 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Шарки ва Жорж». Мультфильм премьераси. 3, 4-қисмлар.
13.50 «Дўстлик» видеоканали: 1. Мехрангез. 2. Жетиген.
14.20 «Бахт кулиб боққанда». Бадиий фильм.
15.45 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Чорак финал. Италия-Франция.
18.05 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
18.25 «Табассум кўчаларида». 2-қисм.
18.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тошкент йилномаси». Премьера.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.10 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
21.40 «Телевизион миниатюралар театри».
22.30 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
23.30 «Ахборот».

«Тунги ёғду»: Дам олиш дастури:

00.05 Бадиий фильм.
1.45-1.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
9.35, 10.25 «Мусиқий лаҳзалар».
9.40 «Ракурс».
10.00 Янги йил табриги.
10.05 «Ёшлар овози».
10.35 «Мезон».
11.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.00 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм. 4-қисм.
12.45 «Қишлоқдаги тенгдошим».
13.05 «Сир».
13.25 «Олтин мерос».
13.30 «Имом ал-Бухорий». Бадиий фильм. 5-қисм.
14.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.55 Янги йил табриги.
15.00 «Жаннат юртим». Мусиқий дастур.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».
16.50 «Бола тилидан».
17.20 «Ҳайрат».
17.40 «Футбол плюс»
18.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов куйлайди.
18.20 «Ўзбек ипаги». I Халқаро фольклор модаси фестивали.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Муқаддас бешик». Маърифий дастур.
20.20 «Олтин мерос».
20.25, 21.15, 22.50 Эълонлар
20.30 Ўзбекиноси янги аср бўсағасида
21.20 «Кутилмаган меҳмон».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.50 Шанба экрани. «Жавоҳир полициячи». Бадиий фильм.
0.20 «Дирижабл».
0.45-0.50 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Тонгги пойтахт».
10.00 «Омад» тележурнали.
10.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
11.00 2000 йил - Соғлом авлод йили. «Спорт-тайм».
11.25 «Экспресс» телегазетаси.
11.40 «Нега қиш бўлади?» Фильм-концерт.
12.05 «Дўстлик» видеоканали: «Умид», «Сахий хонадонда».
12.50 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
13.35 «Жаҳон географияси».
14.25 «ТТВ плюс юлдузлар».
14.45-16.25 Кинонигоҳ. «Сизга ўхшамасмикан».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Митти юлдузлар».
18.15 «Мисли гавҳар».
18.30 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.05, 20.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ (рус тилида)
21.15 «Омад» тележурнали.
21.35 «Санамлар танлови ёхуд » 1-қисм.
22.10 «Эҳтиром ила».
22.30 «Санамлар танлови ёхуд » 2-қисм.
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 «Дарвоқе». Ҳажвий дастур.
23.30 Кинонигоҳ. «Саргузашт излаб».
1.05-1.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Инглиз тили Сиз учун».
9.25 «Дурдаршан».
9.45 «7 дан 70 гача».
*
10.15 «Смак».
10.35 Е. Петросяннинг «Қулги панорамаси».
11.10 Д. Робертс, Д. Хоффман «Капитан Хук» фильмида.
13.45 «Тонгги почта».
*
14.15-14.45 «Немис тили».
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Бинафша».
16.40 «Бобил минораси». Телесериал.
17.40 «СНН-шоу».
17.55 «Бобил минораси». Якунловчи қисм.
18.55 «Бизнес-ревю».
*
19.05 Кинокомедия: ««Ы» операцияси ва «Шурикнинг бошқа саргузаштлари».
21.00 «Время».
21.40 «Нима? Қаерда? Қачон?» 25 йил эфирда.
*
23.25 Кинематограф. «Янги йил совғаси». Бадиий фильм.
00.45 Ахборот (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 31

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 «Камалак». Болалар учун байрам дастури.
9.05 «Яна Тошкентга саёҳат» ёхуд минг бир кечанинг таърифи». Бадиий-мусиқий дастур. 2-қисм.
9.45 «Гаройибот».

«Умид» намойиш этади:

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Яхши ният».
11.35 ТВ-метео.
11.40 2000 йил - Соғлом авлод йили. «Бола бошидан».
12.00 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Шарки ва Жорж». Мультфильм премьераси. 5, 6-қисмлар.
12.50 «Спорт солномаси».
13.20 «Болалар дунёси».
13.55 «Машриқ оҳанглари».
14.25 Янги йил эртаги. ЎзТВ экранида биринчи марта «Золушка учун уч ёнғоқ». Бадиий фильм.
15.50 «Осмондан тушган одамлар». Видеокомедия. 1-қисм.
16.35 «Олтин тож»да янги йил». Телевизион ўйин.
17.15 «Қиёфа».
17.55 «Иш билганга - минг танга».
18.35 «Умид» карнавали.
19.25, 21.15 Эълонлар
19.30 «Йилнома» (рус тилида)
20.15 «Олтин мерос».
20.30 «Йилнома».
21.20 «Асрдан асрга». Янги йил байрам дастури. 1-қисм.
23.50 «Янги йил» табриги.
00.05 «Асрдан асрга». Янги йил байрам дастури. 2-қисм.
3.30-3.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.20 Байрам тухфаси. «Тарзан». Мультфильм премьераси.
10.50 «Янги йил тароналари».
11.00 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду-майдон», 2. «Аскар мактублари».
11.40 «Янги йил тароналари».
11.50 Байрам тухфаси. «Ер қаърига саёҳат». Бадиий фильм премьераси. 1-қисм.
13.20 «Ёшлар» телеканалида: «Спорт-2000».
13.50 «Янги йил тароналари».
14.00 Байрам тухфаси. «Ер қаърига саёҳат». Бадиий фильм премьераси. 2-қисм.
15.30 «Янги йил тароналари».
15.40 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон».
16.15 Байрам тухфаси. «Питер ва сеҳрли тухум». Мультфильм премьераси.
16.35 «Президент арчаси».
17.35 Байрам тухфаси. «Гуллар шаҳри». Мультфильм премьераси.
17.55 Эколаш. Энг яхши ўнлик.
18.10 «Янги йил тароналари».
18.20 «Ёшлар овози».
18.45 Олтин мерос
18.55 «Маслаҳат».
19.45 «Янги йил тароналари».
19.55 «Иқлим».
20.00 «Давр». Бир йил ичида». Махсус сони.
20.40 Янги йил тароналари.
20.50 Байрам тухфаси. «Кичкина табиб». Бадиий фильм премьераси.
22.25 «Юлдуз-шоу». Янги йил мусиқий дастури. 1-қисм.
23.50 «Янги йил табриги».
0.05 «Ассалом, янги аср!»
0.10 «Юлдуз-шоу». Янги йил мусиқий дастури. 2-қисм.
2.10 Дунё оҳанглари
3.10-3.20 «Ассалом, янги аср!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Тонгги пойтахт».
10.00 «Омад» тележурнали.
10.20 Кинонигоҳ. «Кичкинтой ҳангомалари».
11.55 2000 йил - Соғлом авлод йили. «Спорт оламида».
12.15 «Экспресс» телегазетаси.
12.30 Болалар учун концерт.
12.40 Кинонигоҳ. «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг». 1, 2-қисмлар.
15.10 «О.Б.С.М.Т». Ҳажвий саргузашт.
16.10 Янги йил табриклари.
16.20 Кинонигоҳ «Даутфайр хоним».
18.25 «Янги йил қувончлари». Эстрада концерти.
18.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.00 «Табрик-шоу». Байрам сони.
20.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
20.40 «Янги йил базми». 1-қисм.
23.50 Янги йил табриги.
00.05 «Янги йил базми». 2-қисм.
2.15-3.45 Кинонигоҳ. «Янги йил тасодифи».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Тонг» дастури.
*
10.35 «Хамма уйдалигида».
11.15 «Билмасвой ойда». Мультфильм.
11.40 Кундузги сеанс: «Қойилмақом еттилик». Бадиий фильм.
*
14.05 Дўстлик видеоканали: «Айчурек», «Дидар».
15.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
*
15.15 «Дисней клуб» : «Микки Маус ҳақида».
*
15.40 «Парле ву Франсэ?»
16.05 Кундузги сеанс: «Уйда ёлғиз». Бадиий фильм.
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Полапон».
17.55 «Тенгдошлар».
*
18.50 «КВН-2000». Финал.
21.00 «Время».
21.50 «Омадли жентльменлар» янги йил комедияси.
23.25 «Кўҳна ва боқий қўшиқлар». Концерт дастури.
23.50 Янги йил табриги.
00.05-7.30. «Кўҳна ва боқий қўшиқлар». Концерт дастури.

На олтин ҳирсидан куйган сийнам бор,
На таъмадан дилим ғамга гирифтор.
Арпа нон, тиниқ сув, ҳоли бир бурчак —
Қандай ширин ҳаёт бу, парвардигор.
Хусрав ДЕҲЛАВИЙ.

Э сабо, сўзимни махфий қил баён,
Дил сиррин юз тилда шарҳ этгил шу он.
Ранжитма инсонни, қўпол сўзлама,
Ўртача сўз дегил, тилни қил бийрон.
Ҳофиз ШЕРОЗИЙ.

ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИДАН

Яхшидир кетмасдан ушбу жаҳондан,
Ақлинг халос бўлса ҳар пушаймондан.
Эрта қўлдан келганни қилмоқдан ожиз —
Қоласан, фойдалан бу кун имкондан.
Ибн СИНО.

Яхши бўлгил, ҳатто душманинг осон
Сени деёлмасин ярамас — ёмон.
Танбурнинг овози соз чиқиб турса,
Қулоғин бурмайди машшоқ ҳеч қачон.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

МЕҲРУ ОҚИБАТ БОР БЎЛСИН!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов билан суҳбат.

— Бу йил Рамазон Ўзбекистонда қандай ўтди?

— Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм! Муборак Ийдул Фитр — Рамазон ҳайитининг файзу баракати қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин. Аввали раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзах азобидан қутилиш бўлган Муборак Рамазон ойида адо этилган ибодатларимизни — рўза, закот ва садоқатларимизни, Ҳатми Қуръонларимизни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз даргоҳида мақбул айлаган бўлсин.

Ҳаммаларимизга маълумки, жонажон Ўзбекистонимиз кундан-кунга, йилдан-йилга ривожланиб, иқтисодий ва маънавий тараққиёт сари илдам қадам ташлаб бормоқда. Айниқса, халқимизнинг маънавий таянчи бўлган ислом дини ва маданияти ҳам ушбу ижобий ўзгаришлар сирасидан муносиб ўрин эгаллаб келяпти. Йилдан-йилга янги-янги жомеъ масжидларимиз, мадрасаларимиз очилмоқда. Ислом Университети ва Ислом институтида фарзандларимиз эмин-эркин ислом асосларини, дин тарихини ва исломий қадриятларимизни ўрганмоқдалар. Улуғ исломий олимлар, фақиҳлар ва муҳаддисларнинг юбилей тантаналари халқаро миқёсда нишонланмоқда.

Ушбу ўзгаришлар қаторида, албатта, Рамазон ойлари ҳам ўзгача бир тароват билан ўтмоқда. Бу муборак ой ҳар йили янгича мазмун ва янгича моҳият касб этиб бормоқда. Чунончи, бу йилги Рамазон ойининг ўзига хослиги ва қувончи шундан иборат бўлдики, муҳтарам Юртбошимиз яна бир бор ўзларининг элга, юртга ва исломий қадриятларга бўлган эътиборларини изҳор қилган ҳолда, «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорга имзо чекдилар. Бу эса, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, элга ҳурмат ва Президентимизга бўлган юксак эҳтиром туйғуларини янада жўш урдирди. Чунки, бундай меҳрибонлик ривожланган мусулмон давлатларида ҳам кузатилган эмас. Кўпгина давлатларда Ҳажга борувчилар ўзлари қандай борса,

шундай бораверади. Уларга давлат томонидан ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмайди. Бу йилги моҳи Рамазоннинг қувончларидан яна бири шу бўлдики, ҳар куни телевидение экранларидан ушбу ойнинг фазилатлари, меҳру оқибат, маънавий поклик ва кўпгина ахлоқ-одобга оид мавзудаги кўрсатувлар тайёрланиб, элимизга манзур этилди. Бунда албатта, диний уламоларимиз ва идорамиз масъул ходимларининг хизматлари катта бўлди. Бундан ташқари, кўпгина масжидларимизда Қуръон Хатми ўтказилди ва барчаларида ўзимизнинг юртдошларимиздан етишиб чиққан қори-ю қурролар иштирок этишди. Бу ҳам бўлса, юртимиз истиқлолининг шарофати, динга ва диний илмларга бўлган меҳру муҳаббат нишонасидир.

— 2001 йилги Муборак Ҳаж зиёратига тайёргарлик борасида диний идора қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқда?

— Ўзбекистон мусулмонлари идораси Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ ўз тадбирларини ишлаб чиқди ва шу тадбирлар асосида амалий ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун Ҳаж масалалари бўйича вакиллар бириктирилди. Улар ўз навбатида қарорда кўрсатилганидек, ҳар бир зиёратчининг сафарга тайёргарлигини, моддий ва маънавий жиҳатдан талабларга жавоб бериши ҳамда ижтимоий адолат принципларига амал қилиши таъмин этилади.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишлар қилиб, ушбу зиёратнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида, унинг шарт-шароитлари ҳақида фуқароларимизга билдириб туриш ҳам кўзда тутилган.

— Рамазон ҳайити муносабати билан муштарийларимизга қандай тилакларингиз бор?

— Шундай Муборак байрам шарофати билан ибодатларимиз, хайрли амалларимиз ва дуою илтижоларимизни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қабул айлаб, барчаларимизга ихлосу эътиқодимизга яраша ажру савоблар ато этсин.

Яратган Парвардигордан барчамизга фаровон ҳаёт, бахт-саодат, юртимизга тинчлик, осойишталик тилаб, мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкам қилсин, деб дуо қилиб қоламан.

Суҳбатдош: Мирза Анвар КАРИМОВ.

ЯНГИ СПОРТ КОЛЛЕЖИ

Аввал хабар қилганимиздек, Жиззах Олимпия заҳиралари коллежи биринчи ўқувчиларни қабул қилди. Мазкур янги коллеж нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиёда ягонадир. 12 гектар майдонни эгаллаган ушбу даргоҳда ўқув корпуси, 200 ўринли ётоқхона, 4 та ёзги теннис майдончаси, ёпиқ спорт мажмуаси, очиқ сузиш ҳавзаси, 200 ўринли ошхона, мажлислар зали, маънавият маркази ва кутубхона мавжуд. Бу ерда спортнинг бокс, эркин кураш, миллий кураш, теннис, енгил атлетика, футбол, сузиш, дзюдо каби 8 хил йўналиш бўйича болалар боғчалари ва бошланғич синф ўқувчилари мураббийлари тайёрланади.

Коллеж директори, техника фанлари доктори Тоҳир Муқимовнинг айтишича, янги аср бошида 500 нафар ўқувчи қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

Суратларда: спорт устаси, миллий тоифали ҳакам, тажрибали мураббий Қаҳрамон Каримов бўлажак спортчиларга бокс сирларини ўргатмоқда; Спорт мажмуасининг умумий кўриниши.

Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ТИЛАК

Яна пича қолди, атиги беш кун,
Юз йиллик тарих ҳам ортда қолмоқда.
Юрак хапқиради, билмам, не учун,
Нималар кутмоқда бизни бу ёқда?

Лекин бир нарсани аниқ биламан,
Меҳмон ҳам, мезбон ҳам ўзимиз шаксиз.
Янги йил кечаси дил кемасидан
Ташлаб юборайлик неки кераксиз.

Фақат эзгуликдан сўзлайлик кейин,
Саҳоват, садоқат эш бўлсин - бирга.
Азиз умримизни қилмайлик ўйин,
Покланиб ўтайлик янги асрга.

То Одам Атою Момо Ҳаводан
Мерос бу ҳаётда яшайлик ҳалол.
Аср поёнида эрк топган Ватан
Дунё тургунича турсин безавол!

Зайниддин РИХСИЕВ.

БИЛИМДОНЛИК СИНОВИ

Юрт равнақи, унинг порлоқ келажаги бугун мактаб парталарида таълим-тарбия олаётган ёш авлодга нечоғлик боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, буюк келажакни фақат жисмонан баркамол, маънан етук авлодгина қура олади.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги инглиз тилига ихтисослашган 49-ўрта умумтаълим мактабида бўлиб ўтган «Ўйла, изла, топ» деб номланган математика кечаси ана шундай тадбирлардан бири бўлди. 9-синф ўқувчиларидан ташкил топган 3 та жамоа «Танишув», «Билимдонлик», «Хотира синови», «Имконият» ва «Ижодий иш» каби шартлар бўйича ўз билим ва зукколикларини, қолаверса, актёрлик қобилиятларини ҳам намойиш этдилар.

— Тадбирни уюштиришда математика ўқитувчиси Замира Аҳмедованинг ҳиссаси катта бўлди, — дейди мактаб илмий бўлим мудираси Нафиса Азизова. — Энг қувонарлиси, ўқувчиларимизда интилиш, изланиш кучлилиги беллашув мобайнида яққол кўзга ташланди. Бунга кечага таклиф этилган ота-оналар ҳам амин бўлишди.

Кеча сўнггида ғолиб «Ал-Беруний» жамоаси ва совриндорларга мактаб маъмурияти ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан таъсис этилган фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдушукур ШАФҚАРОВ.

ПОЁН БОБО

воқеий ҳикоя

Шу заҳоти Поён иккинчи марта қора милтиғини ўқлаб чақмоқни босди:

— Аҳ, сабила! Ўқ нам тортиб қолибди. Милтиқ ўқ емади-я, Чори, тез бўл, милтиқни ушла... Яна милтиқни ўқлашди. Учинчи ўқни жойлаб, тош орқасида яшириниб турган ўғрини кузата бошладилар. Ўғри буни сезиб тургандай ўзини орқадаги харсанг тошнинг панасига отди. Ўқ яна зое кетди. Қора милтиқдан чиққан тутун таъқибчилар турган жойни фош қилиб қўйди. Бирдан Поён бобо турган ҳарсанг тошга тўғрилаб ўқни ёмғирдай ёғдирди. Ҳар иккала бешотар тўла ишга тушиб кетди. Муллада охирги ўқ қолган эди. Уни бир амаллаб милтиққа жойлашди-да ўғриларни пойлаб туришди. Қўш милтиқдан отилган ўқ қасоскорлар яшириниб турган харсанг тошга келиб урилар, сўнг йўналишини ўзгартириб бошқа томонга учиб кетарди. Бир ўқ полвоннинг қулоғи ёнидан учиб ўтди. Полвон қулоғини ўқ олиб кетди деб ўйлади шекилли, қўли билан секин пайпаслаб кўрди. Йўқ қулоғи жойида экан.

Орага қисқа жимлик чўкди. Поён бобо ўғрилар ҳаракатини кузатиб турди. Улардан бири харсанг тошдан иккинчиси томонига ўтаётганида, унга тўғрилаб чақмоқни босди. Бахтга қарши у ҳам ўқ емади...

— Ҳа аттанг-а! Аттанг-а! Охиргисиям панд берди-я!

Қасоскорлар ҳанг-манг бўлиб қолишди... Уларни ўлим талвасаси қуршаб олди... Кеча кечқурун Шомурод тилмоч Заҳарлининг пастидан Тиллаконсойни ўрлаб ўғриларнинг орқасидан етиб келмоқчи эди. Мана, чорак соатдан бери ўғрилар билан қасоскорлар Кўҳитангнинг кунчиқар томонида, тоғнинг бетида отишаётир. Пастда Заҳарли қўтони қўлнинг қатидай кўриниб турар, бирор жонзот пайдо бўлса, рўйирост кўзга ташланарди. Шунданми ёки қитмирлик қилдими, Заҳарлига етиб келган Шомурод тилмоч ҳужумга ўтмади. Аксинча тик қияликда пар-пар бўлиб қолган матоларига ачингандай бўлди.

Поён боболар нима қиларини билмай гаранг бўлиб қолишди. Мададни Шомуроддан кутишарди. Аммо, ундан дарак бўлмади.

— Энди нима қиламиз, - саросимага тушиб турган муллага қараб деди Чори мос, - ё бориб ўқ олиб келайми?

— Ҳе, қачон олиб келасан. Сен бориб келгунча бу занғарлар тоғдан ошиб кетишади. Кейин ўғрилар турган жойдан ўтиб кетишинг ҳам бир ташвиш...

Охири Чори мос йўлга тушди. Бирон сас чиқармай юра бошлади. У белдовдан энди тушаётганида, оёғининг остидаги бир тош жойидан силжиб қияликдан пастга қулаб тушди.

Тоғнинг бетида омонат турган тошлар ўша тошнинг озгина таъсиридан жонланиб доимий жойидан силжиди. Катта-кичик тошлар бир сурув қўйлардай «Серка»лари орқасидан югуриб кетишди.

Ўғрилар буни сезиб қолишди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас, бешотарлар тилга кириб кетди. Бир дайди ўқ тегиб кетса тамом, Шомуродга ҳам хабар бориб, етмайди. Унга хабар бериш керак. Тезроқ ўқни етказса, амал бизники. Чори мос шундай фикрларни хаёлидан ўтказди-да, пастга қараб товушининг борича бақирди.

— О О О О... Шомурод ўқ тамом бўлди. Мулла Поённга тезроқ ўқ юборинг. Тезроқ юборинг!

Тоғда товуш тез кетади ва узоқларгача бориб етади. Чори моснинг товушини ўғрилар ҳам эшитди. Ҳийла деб ўйлаб, қисқа очиқ жойдан чопиб ўтишди, йўқ, милтиқ отилмади. Шундан сўнг харсанг тошларни паналаб Поён бобо турган қатнинг юқори қисмига чиқиб олишди. Улар муллани қидиришаётганди. Ўғрилар паналаб ётган харсанг тошни диққат билан кузатиб турган ва уларни йўқотиб қўйган мулла орқа томонида бир шарпа эшитди. Бирон кийик келдими, деб ўйлаб бошини кўтарди. Бешотарлардан отилган иссиқ қўрғошин пешонасидан келиб текканида, иссиқ қони харсанг тошга сизиб тушганини ҳам сезмай, шилқ этиб бир ёнбоши билан тошдан сирғалиб тушди...

Мулла Поённинг ўлими ҳақидаги совуқ хабар тез тарқалди. Кичик ўғли Турсунбойни олдига олиб, суйиб турган Лалдур момо бу хабардан қотиб қолди. Кейин ихтиёрсиз кўзидан сизиб чиқаётган бир неча томчи иссиқ ёш боласининг юзига томди... Амударёнинг ҳар икки томонидаги қишлоқлар аҳлини бир умр имонга чорлаган, не-не азоблари бирга бошидан кечирган чоли энди йўқ...

Шарифжон ЁҚУБОВ.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Соғлигингиз ўз қўлингизда

ГРИППДАН САҚЛАНИНГ!

Охирги вактда бутун дунёда грипп ва ўткир респиратор касалликлар кенг тарқалган бўлиб, бу хавф бизни ҳам четлаб ўтмайдиган кўринади.

Шу боис ҳам Вазирлар Махкамасида, Соғлиқни сақлаш вазирлигида махсус комиссия тузилди. Мақсад — одамларни бу юқумли хасталикдан огоҳ этиш, оммавий тус олишига йўл қўймасликдир.

Ўз-ўзидан савол туғилади: грипп қандай касаллик, ундан қандай қилиб фориғ бўлиш мумкин?

Маълумки, грипп қўзғатувчилари - А, Б, С типидаги вируслар юқори нафас йўлларига тушиб шиллиқ парданинг ташқи қавати ҳужайраларини емиради. Натижада пўст ташлаган ҳужайралар кўчиб тушади ва нафас олганда, сўзлашганда, йўталганда, аксирганда вирус сўлак, бурун шилимшиғи, балғам билан ҳавога тушиб (ҳаво томчи йўли орқали) атрофдагиларга юқади. Касалликнинг енгил ва ўзгарган формаси билан оғриган беморлар инфекция тарқатиши жиҳатидан кўпроқ хавфли, чунки улар ётмай юраверишади, уй режимига риоя қилишмайди.

Грипп билан курашишнинг қийинлиги яна шундаки, у фасл ва ёш танламайди, боз устига 11-18 йилда вируснинг янги турлари шаклланади ва тез тарқалади.

Касаллик қўзғатувчи вирус организмда 1-2 кун (баъзан, бир неча соат) ичида ҳеч қандай белги бермайди. Бу даврда айрим беморларда лохаслик, эт увишиши, бўғимларнинг зирқираши кузатилади, мускулларда оғриқ туради, ҳарорат 37,1-37,2 даражага кўтарилади.

Касаллик кўпинча кескин бошланади: бемор қалтираб, иситмалайди (37-40 ҳарорат), боши айланади, оғрийди, дармони қурийди, кўнгли айнаб, қайт қилиши мумкин. Юзи қизаради, кўзи лўқиллайди. Касалликнинг дастлабки соатларида ёки эртасига бурун битиб қолади, тумов бўлади, томоқ қичишади, қуруқ йўтал тутади, ютинганда томоқ оғрийди. Баъзан кўз ёшланади, бемор ёруғликка қарай олмайди. Иситма 2-4 кунгача давом этади, лекин лоҳаслик, дармонсизлик узоқ вақтгача сақланиб қолади.

Грипп енгил ёки ўзгарган формада ўтиши мумкин. Бунда беморнинг аҳволи бир оз ёмонлашади, холос. Шунга қарамай, нафас йўллари вирусдан кўпроқ зарарланиши, ўрин-кўрпа қилиб ётилмаса ва шифокор буюргани қилинмаса, ўпка, буруннинг ёндош бўшлиқлари (гайморит), ўрта қулоқ (отит) яллиғланиши, юрак, миянинг зарарланиши каби асоратлар қолиши мумкин.

Бемор иситмалаганда бир неча кунгача ўрнидан турмаслиги зарур. Эти увишганида уни ўраб-чирмаб, оёғига иссиқ (40 ҳарорат) грелка қўйиш, иссиқ чой ичириш лозим. Хона иссиқлиги 18-20 градус бўлиши ва тез-тез шамоллатиб туриш керак. Беморга витамин С ва А қўшилган иссиқ ичимликлар (наъматак дамламаси, сабзи ва бошқа мевалар суви)ни тез-тез ичириш тавсия этилади. Овқат енгил ҳазм бўладиган ва оқсилга бой бўлиши керак. Овқатдан сўнг оғизни кучсиз сода эритмаси билан чайиб туришлари лозим.

Гриппни даволаш учун махсус дорилар йўқ. Ўз билганича ҳар хил дорилар ичиш фақат зиён келтириши мумкин.

Грипп касалининг олдини олиш ва даволаш бўйича кўпгина тадқиқотлар ўтказган сибирлик олим К.П.Бутенконинг фикрича, грипп вируслари организмда ишқор шароитида яхши кўпайиб кислота шароитида эса аксинча, яхши кўпаймайди, захри кам чиқади, Бутенко усулини қўллаганда организмда углекислота кўпайиб, кислота шароити юзага келади, касални юқтириш хавфи камаяди, касалланганларнинг иситмаси тушади, йўтал ва оғриқлар тезроқ қолади. Бунинг учун бурун билан енгил ва секин нафас олиб, секин чиқарасиз ва 4 сония нафас олмасдан туриб яна енгил, секин нафас олишда давом (10-12 дақиқа) этасиз.

Касалликни олдини олишнинг энг ишончли йўли, бу имкони борича вакцина билан эмлашдир.

Саидумар ЖАЛОЛОВ, шифокор.

«Ишонч» газетаси жамоаси рўзнома ходими Тўлқин Шернаевга онаси

НОРХОЛ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.45

Буюртма Г— 1124. 1 2 3 4 5 6